
Кузги дарахт экиш ишлари бугун тиббиёт муассасасида қизғин давом эттирилди

Мавсум давомида тиббиёт муассасалари ҳудудида минг тубдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ерга қадалди.

Ҳудудда ободонлаштириш, яшил боғлар барпо этиш ишлари олиб борилиб, кўркам қиёфага айлантирилмоқда. Бугун туман раҳбари марказий шифохонада бўлиб, бажарилган ишларни кўздан кечириш билан бирга, муассаса ҳудуди ободончилиги, экилган дарахт ва кўчатлар қарови бўйича масъул раҳбарларга вазифалар белгилаб берди.

Маълумот ўрнида “Кузги дарахт экиш мавсуми” доирасида Фурқат туманидаги ижтимоий соҳа объектлари, маҳаллаларда яшил масканлар ташкил қилиниб, 84 минг 725 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Шунингдек, дарахтларни буташ ва оқлаш, ариқ-зовурлар атрофини тозалаш каби юмушлар уюшган ҳолда бажарилмоқда.

2023-11-08 09:04:43